

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**653 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-мод-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

да) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 декабрь,
390-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги
390-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Малака комиссияси мажлисларининг ҳолислиги ва одиллигини таъминлаш мақсадида, заруратга қараб, уларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ходимлари овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин.»

2. 9-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака комиссиясининг раиси мажлис ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин мажлисининг санаси, вақти ва жойини белгилайди ва бу ҳақда талабгорлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармасини хабардор қилади.»

3. 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ходими қатнашганда, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;»;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 32-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган имтиҳон билетлари асосида ўтказилади. Бунда имтиҳон билетлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адлия бошқармасига малака комиссияси мажлиси ўтказиладиган куни етказилади.».